



2023-yil  
12-sentabr  
seshanba  
№ 113  
(4865)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Ishonch

Yurt tarag'iyoti yo'liida birlashaylik!



Жиззах  
вилояти

Қулийлик

## ЗОМИНГА ТОШКЕНТДАН ҲАР КУНИ ПАРВОЗ

Шу йилнинг 7 сентябрдан «Uzbekistan Airways» ҳар куни «Тошкент – Зомин – Самарқанд» ва «Самарқанд – Зомин – Тошкент» йўналишларида қатновларни амалга ошироқда.

Зомин тумани «Лайлак уя» массиви худудида бунёд этилган «Зомин» аэропортида 30 ўринга мулжалланган йўловчи терминални курилган. Ёзинг иссиқ ҳавоси, қишининг совуги, баҳор ва куз фаслларида икlim ўзгаришлири инобатга олининг, зарур кулийликлар яратилганга таҳсинга лойик.

– Туманимизда ички туризмни ривожлантириш, йўловчиларга арzon нархларда автаваташу хизматлари кўрсатиш ва авиакомпанияларага ички туризм йўналишларидаги авиақатновлар учун авиасичта нархининг 25 foizi миқдорida respublika бюджетидан субсидия ажратиш тизими жорий этилади, – дейди «Зомин» аэропорти раҳбари Турсунали Усмонкулов. – Зоминдан Тошкенттана ва Зоминдан Самарқандча бўлган авиасичта нархи 78 минг 224 сум. Тошкенттада в Самарқанддан Зомингача эса 104 минг 299 сумни ташкил этади.

Зоминдан пойтахтга парвозда қилиувчи самолёта 19 нафар йўловчи урдинги мавжуд. Ушбу ҳаво кемаси 1500 километр масофагача уча олади. Айни дамда «Зомин» аэропортида «Uzbekistan Airways»нинг иккита «LET L-410» русумдаги самолёти аҳолига хизмат кўллаштирилган.

– Тошкент давлат иқтисодиёт универсиети сиртқи бўлими табасиман. Зоминдаги «Логистика маркази»да туризм йўналиши бўйича ишлайман. Ушбу йўналишнинг йўлга кўйилиши нафакат талаబалар, балки сайёхларнинг Зомингача келиши янада кўпайшига хизмат қиласи, – дейди айнан шу рейс билан Тошкентга парвозда қилиш арафасида турган йўловчи Жаҳонгорӣ Умиров.

Яқинда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими томонидан аэропорт билан танишиш мақсадида ташкил этилган прес-турда иштирокчилар мазкур маскан ва ердаги имкониятларни кўздан кечириши.

Аэропорт мутасаддиларининг мәълумотига кўра, «Зомин» аэропорти фаoliyatiни бошлиши билан барча мутахассис, техник ва хўжалик ходимларни кўшиб ҳисоблаганда 30 нафарга яқин киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Келгусида аэропорт фаoliyatinini кенгайтириш ҳисобига яна 25 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Муқимбай ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»



Тарғибот

## ТУШУНЧАЛАР ЯНАДА БОЙИДИ

Янгиер педагогика коллежида янгиланган Конституция ва Меҳнат кодекси юзасидан семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Шириной Умаралиева мавзу юзасидан атрофлича тушунча берди.

Семинарда иштирок этганлар меҳнат соҳасидаги конун хужжатларига оғишмай амал қилиш, меҳнат муносабатларига оид конун хужжатларининг самарали кўлланилиши хамда кадрларга оид юритилаётган, қабул қилинаётган хужжатларнинг қай тарзда расмийлаштирилиши юзасидан батасиф мавзумот олиши.

Иш жойида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, ҳафзисиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича Федерациянинг вилоят кенгаси меҳнат техник инспектори Абдукаимов Ҳакимовнинг ҳаётй мисоллар билан тўйинтирилган мулҳозазалари барчага манзур бўлди. Қизғин мунозараларга бой тарзда кечган тадбирда сўзга чикканлар бундай мулқотлар ишчи-ходимлар учун зарурлигини, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириша хизмат қилишини таъкидлашди.

Бердимурод АБДУЛАЕВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси  
Сирдарё вилояти кенгаси меҳнатни муҳофаза  
қилиш хизмати етакчи мутахассиси



### Кун мавзуси

Шу йилнинг 11 август куни пойтахтимизда чангли ҳаво кузатилди. Соат 18:30 ҳолатига кўра, Ўзбекистон пойтахти IQAir рейтингидаги дунё шаҳарлари орасида ҳавонинг ифлослиги бўйича 2-ўринни эгаллади. «Ўзгидромет» қузатув натижаларига кўра, Тошкент шаҳрида шу куни соат 16:00-17:00 атрофда ҳавонинг майдага чанг зарралари (PM 2,5) билан ифлослаши қўйидагича бўлган:

## Бошкентимиз тағин «Чангкент»га айланди

- Юнусобод тумани «Бодомзор» йўлида  $-133 \text{ мкг}/\text{м}^3$ ;
- Чилонзор тумани Халқлар дўстлиги майдонидаги  $-171 \text{ мкг}/\text{м}^3$ .

Ушбу худудларда ҳаводаги чанг миқдори АҚИ – РМ 2,5, кўрсаткичи бўйича ҳавонинг «зараарли» даражадаги ифлосланиш тоифасига киради.

Муқояса учун, Жаҳон соғликинга сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, ҳаводаги чанг зарраларининг кунлик меъери  $15 \text{ мкг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

«Санэпидкўмита» эса аҳолига чангли ҳавода қилиш керак бўлган қатор тавсиялар берди.

Буни, балки куз фаслининг бошланиши ёки ёмғирлар кам ёғаётгани билан изоҳлармиз. Аммо...

Бизнинг назаримизда. Бошкентдаги бетартиб қурилишлар, даражатларнинг аёвсиз кесилиши, ҳаракатланётган автомобилларнинг ҳаддан зиёд кўклиги, икlim ўзгариши шу ҳаби ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Кейинги йилларда пойтахт қурилишлар марказига айланди. Афуски, худди мана шу бетартиб қурилишлар ва даражатларнинг кесилиши «самара»сини кўяпмиз.

Мулҳозазамиз шуки, бу ҳолат биринчи марта тақрорланётгани йўқ. Ўтган йиллари ҳам Тошкент чанг ҳавоси билан дунёда юкори ўринларни эгаллаганига кўп бор гувоҳ бўлдик.

Бизнингчча, бу каби ҳолатлар барчанинг огохлигини ошириши, масъулларни эса чукурроқ фикрлашга чорлаши керак. Зеро, бу кичик масала эмас.

Эъзоза УМРЗОҚОВА  
«ISHONCH»



Тошкент вилояти

Миннатдорлик

## ШИРИН СЎЗ БАРЧА ДАРДГА ДАВО

«Зангига туманинадаги 13-Болалар мусиқи ва санъат мактабида фаррош бўлиб ишлайман. Яқинда ишхонамиз касаба ўюшма қўмитаси томонидан «Умид гулшани» сиҳатгоҳига йўлланма берилгани мен учун кутилмаган совға бўлди.



Сиҳатгоҳда турли вилоятлардан дам олиш учун келганилар билан танишдим. Айниска, масканда шифокорлардан тортиб, ҳатто қоровулгача дам ола-ётганларга самимий муомаласи барчамизни хушнуд этди. Ширин сўз барча дардларга даво деганлари шу бўлса керак. Келганимдан бери, қараганги, оёқларим оғримайти, асабларим тинч...».

Умри ҳалол меҳнатда ўтган, гап-сўзлари ўзига ярашган зангиоталик Матлуба Исхонбекова ўз кечинчаларини биз билан телефон орқали ана шундай бўлиши.

Яқиндагина давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан, Тошкент вилоятида турли соҳаларда хизмат қилаётган 10 нафар аёгла «Умид гулшани» дам олиш масканига бепул йўлланмалар топширилган эди. Йил якунига қадар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаси томонидан яна бир гурӯх фаолларга ана шундай бепул йўлланмалар тақдим этилиши режалаштирилган.

Нигора РАХИМЖОНОВА

Rank	Major city, country/region	AQI US	Followers
1	Johannesburg, South Africa	194	56.5K followers
2	Tashkent, Uzbekistan	172	36.6K followers
3	Dubai, United Arab Emirates	163	255.9K followers
4	Kuching, Malaysia	142	45.7K followers
5	Kuwait City, Kuwait	109	54.6K followers
6	Lahore, Pakistan	106	309.1K followers
7	Dhaka, Bangladesh	105	200.6K followers
8	Chongqing, China	104	112.2K followers
9	Hangzhou, China	90	171.3K followers
10	Lima, Peru	94	30.7K followers

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>



<https://t.me/ishonchgz>





## Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди бор

Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашида касаба ўюшмалари Федерацииси раиси ўринбосари – Мехнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев раислигида ҳамда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба ўюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов ва Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба ўюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Қодиров иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда «Аёллар дафтари» 4-босқичининг худуддаги ижроси ва галдаги вазифалар мухокама этиди. Асосий масалалардан хотин-қизлар ўтасидан жиноятчилик ва ишлизлики бартарда этиш бўйича кўрилаётган аниқ чора-тадбirlар ўрганилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, касаба ўюшмалари вакиллари ва биркитрилган масъуллар томонидан худудий меҳнат бозоридаги мавжуд вазият доими мониторинга қўлиб борилмокда. Мисол учун жорий йил бозорда вилоятда меҳнат ресурслари 1 миллион 469 минг нафари ташкил этган бўлса, уларнинг қаридир 367,5 минг нафари иқтисодиётнинг расмий, 525,9 минг нафари норасмий секторида фаолият олиб боришмокда. 109 минг 643 нафари эса хорижга вақтинча ишлаш учун кетган. 102,3 минг киши эса ишлизлики фуқаролардир.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,  
журналист



### Бошланғич ташкилотларда

«Шифокор қачон ахолига сифатли хизмат кўрсатади? Қачон ўз устида ишлаб, билимини бойитади? Қачонки, унга қуай мөхнат шароити яратилса, иш жойида, уйида тинчи, ҳаловати бўлса...».

Косон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба ўюшма кўмитаси раиси Шоймурод Эргашев шу тайомига амал қиласди. Раис беморлар сиҳатига ҳисса кўшишдан ташкил (у юкуми касаллар шифокори) саломатлик посбонларининг дардига малҳам излайди.

– Туманимизда тиббиёт соҳасида ижобий сиљишлар бор, – дейди касабақўм раиси. – Мана буйил мавжуд бино реконструкция қилиниб, ахолига тез тез ва сиғатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйимиши бошлади. Замонавий ускунлар билан жиҳозланган масканда шифокорларнинг яхши ишлаши, беморларнинг эса согайласи учун кўплаб қулийликлар яратилилар.

...Марказий поликлиника ҳамшираси Дилюбар Жумаева-нинг ойллави шароитини яхши билган касабақўм раиси уни «Умид гулшани» санаторийисида бепул дам олиш учун тавсия қилди. Муолажа олиб қайтган ҳамширангни дили бугун умидга тўла...

Поликлиниканинг «Лор» бўйими ҳамшираси Ойжамол Нормуродовнинг турмуш ўртоги вафот этган. Вояга етмаган иккى нафар фарзанди бор. Болалар шу ёзда «Сирли конінот» оромгоҳида ҳордик чиқарди. Ойжамолнинг ўзи эса «Бустон» санаторийисида саломатлигини тиклади.

– Муолажаларнинг анча фойдаси тегди. Асабларим чарчаган. Ҳам жисман, ҳам руҳан тикландин, – дейди ҳамшира биз билан сұхбатда.

Яқинда туман тиббиёт бирлашмаси боғбони Ойбек Раҳмо-

нин

### Хоразм вилояти

## Ўн икки йилда тикланган адолат

Жуманазар Рўзметов «Боғот-Дон» акциядорлик жамиятида 14 йил фолият кўрсатган. Охирги бир ярим йил давомида электромонтёр лавозимда ишлаган.

– 2011 йил 18 август куни турмуш ўртогим эрталаб ишга кетгандан қўймади. Шу куни раҳбарнинг топширигига асосан, «Боғот-Дон» АЖ худудида жойлашган юқори кучланишдаги трансформаторни тозаламоқчи бўлган пайтида ток уриши натижасида оғир жароҳат олди ва туман касалсанасида вафот этди, – дейди боғотлиғи Бўлдибика Абдукаримова. – Уша пайтда Хоразм вилояти ҳокимигинг мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан махсус текшириш комиссияси тузилидагамда комиссия томонидан турмуш ўртогим Жуманазар Рўзметов билан содир бўлган баҳтсиз ҳодиса 15 кун мобайнида текширилиб, ишлаб чиқарши билан боғлигидеб топилди. Бироқ «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти томонидан ҳеч қандай компенсация пуллари тўланимди. Мен беш болам билан бўзлаб қолавердим. Устига устак, оғир хасталигим туфайли йиғрадим...

Адолат излаб боғот тумани прокуратурии ва адлия идорасига мурожаат қўйдим. Амалияни таҳтига бўлмади. 2022 йил декабр ойида Хоразм вилояти ҳокими боғот туманида ташкил этилган қабулда ночор ахволда эканними, кенже ўғлим 32 ёшда бўлишига қарамадсан ҳалигача ўйлантира олмаганимни айтиб йиғладим...

Бўлдибика опанинг муаммоларидан ха-

бар топган Хоразм вилояти Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси ва ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси Хоразм вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори зудлини билан ишга киришди.

Зарур хужжатлар тўпланиб, «Боғот-Дон» акциядорлик жамиятига мурожаат қўйинди. Жамият раҳбарияти Б.Абдукаримовага ҳеч қандай компенсация пуллари тўламасликларини билдиригандан сўнг, вилоят камбағалликини қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси хамда ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси Хоразм вилояти кенгаши ҳамкорликда аёлнинг манфаатларини Фуқаролик ишлари бўйича боғот туманлардо сидиди. Суд 2023 йил 14 апрелда «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти Б.Абдукаримовага фойдасига 137 миллион 360 минг 24 сўм бир йўла нафақа, 2020 йил 1 январдан 2023 йил 1 январгacha 9 миллион 464 минг 883 сўм ойма-ой зарар тўлови, жами 146 миллион 824 минг 907 сўм микдордаги нафақа пуллари ундирилиши тўғрисида қарор чиқарди.

Адолат излаб боғот тумани прокуратурии ва адлия идорасига мурожаат қўйдим. Амалияни таҳтига бўлмади. 2022 йил декабр ойида Хоразм вилояти ҳокими боғот туманида ташкил этилган қабулда ночор ахволда эканними, кенже ўғлим 32 ёшда бўлишига қарамадсан ҳалигача ўйлантира олмаганимни айтиб йиғладим...

Бўлдибика опанинг муаммоларидан ха-

шига ҳали эрта экан...

### Касаба ўюшмаси аралашгач...

Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти бўйича боғот туманлараро суди қароридан норози бўлиб, «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти манфаатларини кўзлаб вилоят судига апеляция шикояти билан мурожаат қўйди. Хоразм вилояти фуқаролик ишлари бўйича Абдукаримова фойдасига мурожаат йўллади. Бу сафар ҳам адолат тантана қўйди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Фуқаролик ишлари бўйича судов ҳайъати 2023 йил 2 августда Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг 2023 йил 14 апрелдаги ва Хоразм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судов ҳайъатининг 2023 йил 30 майдаги ахримини ўзгарисиз колдири.

Ажабланарли жиҳати, Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти худудий бошқармаси вакиллари биронта суд маҳлисида иштирок этади. Балки бу улар масала «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти фойдасига мурожаат йўллади. Бу тўғрири бўйича ҳамкорликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси касаба ўюшмалари Федерацииси Хоразм вилояти кенгаши ҳамкорликда аёлнинг инсон овора бўлди, Бўлдибика опан неча ой юрак ҳовчулаб ўтириди.

Адолат этилди, букилади, синмайди, дейдилар. Хоразм вилояти камбағалликини қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси хамда касаба ўюшмалари ҳамкорликда адолат «кеч бўлса-да» тикланди.

Суд ижрои таъминланди. Бўлдибика опага 146 миллион 824 минг 907 сўм микдордаги нафақа пуллари ундириб берилди. Онахон ўзи орзу қилганидек, ушбу маблағни ўғлининг бахти учун сарфлади. Куни кеча бу хонадонда тўй бўлиб ўтди.

**Эркинбай БОЙЖОНОВ,**  
Ўзбекистон касаба ўюшмалари  
Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши  
мехнат техник инспектори

### Таассурот

## Кўхна шаҳарга саёҳат

Уч кун давом этган ташриф чоғида соҳа ходимлари нафақат маданий ҳордик, чиқаршиди, балки кўхна заминнинг тарихи билан ҳам яқиндан танишиши. Шу билан бирга, Ҳоразмда амала оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдишадар.

– Қадимиш шаҳarda бўлишини кўпдан буён ништ қилиб юрадим. Касаба ўюшмаларининг хайрли ташаббуси билан орзум рўёбга чиқди. Ҳақиқатан ҳам Хива мўжизакор шаҳар экан, – дейди

Фарғона вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси техник ходими Малоҳатхон Жўраева.

Шунингдек, саёҳатчилар маҳаллий аҳолининг миллий айнанларни, маданияти ва санъатидан ҳам баҳраманд бўлишиди.

**Манзуроҳон АКРАМОВА,**  
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба ўюшмаси Республика кенгашининг  
Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

### Қўмак

Йўлланма берилди. Аслида бундай имтиёзли йўлланмалар Низомга кўра, маъмурлиш жойига эга бўлган бефарзанд оила вақилларига берилши кўзда туттилган бўлиб, agar оиласининг иккичини вакилиларни ишламаса, ўз ҳисобидан турмуш ўртоғи билан сиҳатдоҳда давола-нишиди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ишламаса, ўзимни ўйнилган кўздан туттилган бўлиб юйига эга.

Бугун бефарзанд оиласига оила ташаббуснинг бошида эса касаба ўюшмалари турганидан ҳам англешлади, бу ташкилотнинг халқчиллиги кун сайин ортиб бормоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**  
«ISHONCH»

### Наманган вилояти

## Оилаларга умид берәётган ташаббус

Норинлик Сайёрахон ва унинг турмуш ўртоғи ўн йилдан бери тирноқка зор эди. Эр-хотин «Умид гулшани» санаторийисига бориб, у ерда даво мулажаларини олиб, соғлиқларини тикишагач, орадан бир йил ўтар-ўтмас, ўғил фарзандли бўлишиди. Бугун бу оиласининг кўпончини янда чекксиз, боси уларнинг хонадонида энди қиз фарзанд ҳам дунёни келди.

Давлат дастури асосида ҳар иили касаба ўюшмалари томонидан бефарзанд оиласига учун берилётган бепул йўлланмалар шу кунга қадар 26 та оила вакилилари ушбу сиҳатдоҳда даволанишиди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди. Чунки эр-хотин ҳам маълум иш жойига эга.

Бугун бефарзанд оиласига оила ташаббуснинг бошида эса касаба ўюшмалари турганидан ҳам англешлади, бу ташкилотнинг халқчиллиги кун сайин ортиб бормоқда.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

Тармоқ кенгашлари тавсияси асосида бўйил мингулоқлик Ашурловлар оиласининг ҳар иккичини вакилиларни ҳам имтиёзли йўлланма берилди.

</



# Яхши овқат қолгунча...

Бўй-басти шкафдек келадиган семиз киши пишиллаб, врач қабулига кирди.

– Келинг-келинг... Вой-бў, намунча? Ё эрмакка семирайпизми, бирорад?

– Билмасам, дўйтирижон, сув исчам ҳам, нафас олслам ҳам симраипман.

– Хўш, қандай шикоятингиз бор?

– Шу, овқатга қўшиб, каттароқ сукнами, темир қошикими ютиб юбордими, деб чўчиятиман. Олдинлари тош есан ҳам ҳазм қоларидан, энди эса ошқонзомидар нимадир бордек тулояди. Яна уй-кумният тайин йўқ. Илгари йигирма турт соатлаб ухларидан. Энди ўн-ўн икки соатдан ошмаяпти. Устига-устак, дармонизман. Икки юз қадамча нарида, тепасида кантарлар уяётган хув авани уйда турман. У ердан бу ёқача икки соатда аранг етиб кеддим...

– Кўйин! Секин юришда тошбақани ҳам доғда қолдирибиз-ку, – кулади дўйтири.

– Лекин семизликни кўй кўтаради. Сиз эса озишининг керак...

– Ёшлигимда орикни эдим, қаттироқ шамол эсса, йиқилгудек ҳолим бор эди. Ўйландиму, ўзгара бошладим. Гап шундаки, хотиним ўта саҳиҳ, ҳар сафар қо-зонни тўлдириб овқат пиширади. «Нега бўнча кўп тайёрлайсан, иккаламизга етса, бўлди-да. Истроғарчиликка йўл қўйма!» десам. «Ногоҳон битта-яримта мемон келиб қолса, шошиб қолмаймиз, шартта су-зуб, одлига қўймиз», дейдиган.

Уйлаб қарасам, гапи тўғри. Аммо меҳмон ҳар доим ҳам келавермайди, қолиб кетган ярим қозон овқатни ташлашиб юбо-риш сава увол. Отам раҳматли «Яхши овқат қолгунча, ёмон қорин тешисин!» дер эди. Шуни эслаб, қўзимни чирг юмб, овқатни пакқос туширавердим. Аста-секин этиб тарвуздан қоринча пайдо бўлди.

Бир маърқада хотиним «Бизнисиди умуман қицқамайди. Хўйайним омон бўлгур ҳай-ҳай демасам, картошка пўчоги-ният бир карра ишловдан ўтказади», деб мақтаниди. Эртаси ёшигимиз жиринглаб қолди. Очсан, дўгонаси, кўлида бир коса ош. «Мехмонларимиз келишмади. Ош туриб қолса, айнидади. Сизларга илиндим», деди. Биз унинг раҳиёни қайтаролмадик...

Хаммаси шундан кейин бошланди, дўхтирижон. Кимникидан ош ортса бизнисига чиқади. Бошқалар зиёфат уюштиради, ортиқча егуликлар менинг қорнинг тушади. Тўйларга эртаси куни ҳам қақирадиган бўлышди. Ортган егуликларни олдигма уйиб қўйишади. Бир четдан еб, тинчитаман. Охирида роҳат айтиб, кўлигма «хизмат ҳакиқи» сифатида ҳар хил овқат солинган ту-гунча ҳам тутқазишиди. Карабиски, кун сайнин, соат сайнин семиравердим.

Бора-баратйдан бошимиз чиқмайқолди. Бирига вақтим бор, бирига йўқ. Борсам – хўп-хўп, бормасам – жанжал. Тунов куни

Марат ШАРИФ

## Ибратли ҳикоя Қўғирчоқлар Аслида НЕЧТА ЭДИ?

Эр-хотин узоқ йиллар бирга тинч-тотув умр кечиришиди. Фарзандлар тарбиялаб, вояж етказиши. Ораларида ортиқча гап-гўз бўлмади. Фақад...

Аёл ўз жавонида бир кутини сақларди. Соchlарига оқ оралага, уни эрининг олдига қўйб, копқоғини очди. Кутининг ичидагу кўлда ясалган қўғирчоқлар ва даста-даста пуллар бор эди. Эр хайрон бўлиб, улар қаердан келганини сўради.

Хотини оҳиста жавоб берди: «Тўйимиздан олдин бувижоним мента баҳтили яшаш сири ҳақида насиҳат қилиб, «Умр йўлдошинг билан асло баҳслашма. Жаҳлинг чиқинида ўзининг чалғитиш учун қўғирчоқ ясал!» деган эдилар».

Эрнинг кўллари ёшланди. Сабаби, кути инидаги қўғирчоқлар атиги бир жуфт эди! У «Демак, шунча йиллар давомида ёстиқ-шими бор-йўғи икки марта хафа килибман-да», деб ўлади. Сунт аёлга козланди: «Хўш, бу пулларни қаердан олдин! Хойнаҳой, рўзгордан тежаб ва мендан яшириб тўпламагандирсан!».

Аёл вазминлик ила деди: «Мен уларни қўғирчоқларни сотиб йигланман...».



Ҳажвия

## Ривоят ҲАР ИШДАН БИР ХАТО ТОПАДИГАНЛАР

Ота ва ўғил шаҳар кўчаси бўйлаб боршишарди. Ота эшакка миниб олган, ўғил ортидан пиёда кетаётгананди. Бир киши уларни кўриб, «Анавиалини қаронг, ҳолдан тойган бола бечора эшакка ва отасига ета олмаяпти», деди. Бу гапдан ота қаттиқ таъсирланди. Эшакдан тушиб, ўз ўрнига фарзандини ўтқазди.

Йўлда дуч келган бошқа ўйловчи эса, «Бу бола бемехр экан, отасига пиёда юришини рово кўрибди», деди. Бу дашномодан сўнг ўғил отасидан эшакка бирга мининшини сўради. Улар ўѓулда давом этаётib, баъзи одамлардан «Ноинсофлар иккичишилашиб битта эшакни миниб олибди» қабилийати таъсиларни эшилдилар. Шу боис эшакдан тушиб, унга етаклаб кета бошладилар. Уларни кўрганлар эса «Эшаки була туруб, бу нодонларни пиёда юришлари талаати-ку!» деб ажабландилар.

Қиссадан хисса: орамизда ҳар ишдан бир хато изловчилар бот-бот учраб турдид. Уларнинг гапидан кўп ранжимаслик, ҳар ким ўз имконигатига қараб иш юритгани маъқул.

Бўлгимда орикни эдим, қаттироқ шамол эсса, йиқилгудек ҳолим бор эди. Ўйландиму, хотиним ўта саҳиҳ, ҳар сафар қо-зонни тўлдириб овқат пиширади. «Нега бўнча кўп тайёрлайсан, иккаламизга етса, бўлди-да. Истроғарчиликка йўл қўйма!» десам. «Ногоҳон битта-яримта мемон келиб қолса, шошиб қолмаймиз, шартта су-зуб, одлига қўймиз», дейдиган.

Корин жонивор кенгайиб, шу даражага етдики, охирин ўрнимдан кўзгаломлай қолдиди. Оқсоқолнинг кўрсатмасига биноан менинг атаб маҳус саҳтиравон ясашди. Тўрт йигит кўтариб тўйига олиб боради. Бир куни кўпроқ овқат еб кўйибман, ўнта бўлиб ҳам кўтарилишиади.

– Ҳа, демак, ахволингиз чатоқ экан, – деди шифокор баш чайқаб. – Бугундан бошлаб қатъий парҳезга ўтасиз. Акс ҳолда, тез орада хайр-мъзвурини насия қилиб... Лекин менинг ҳам сиздан бир илтимосим бор.

– Жоним билан, бемалол айтаверинг, дўхтирижон.

– Кечак ҳамкаслар шу ерда ўтириш қўйлудик. Анча овқат ортиб қолди. Ташлаб юбориш увол. Ҳозир ҳамшира илтиб олиб келади. Шуни иккаламиз бирга тинчтисак. Отангиз раҳматлийати тайтандай, «Яхши овқат қолгунча...». Ҳой, тўхтан! Тўхтанг, бирорад, қаёққа кетяпсиз?.. Ахир қандай муолажа олишингиз зарурлигини ҳали айтиб улгурмадим-ку!..

Марат ШАРИФ

## Хандалар

### Ҳикмат ҚўШ ФАЛОКАТ Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»идан

Навбатдаги тижоратда минг динор зарар кўрган саводагор ёнидаги ўлига «Буни ҳеч кимга айтма!» деб тайинлади. Ўни «Хўп!» деди-ю, қизиқсиниб сабабини сўради. «Бир фалокат иккита айланмаслиги учун! – жавоб берди ота. Сўнгра тушунтириди. – Бинринчи фалокат – сармоянг камайшии, иккинчиси – ғанимимнинг куонини. Зоро, донолар «Дардингни душманларнинг айтма, улар севина-севина сени ҳоҳга итаратидар», дейишган.



Ҳикмат

## АҚЛ ҚАЛЪАСИ Форс дошишманди Муҳаммад Жабалрудий дейди...

Эй азиз! Киши учун китобдан азизроқ ва ёқимлироқ сухбатдош йўқдир. Китоб фасоҳат, балогат ва латофатда тенги йўқ, мунофиқлиқдан холи ҳамроҳдир. Енгизлиқда ва ғамли айёмларда мунис улфатидир. Унда на ниҳоқ бор, на гина. У шундай ҳамдамки, сўзларни ёғон ва като бўлмайди. Суҳбатидан эса кишига малоллик етмайди. У ўз дўстининг дилини оғримайди, юрагини сиқмайди. У шундай раффирики, киши орқасидан гўйбат килиб юрмайди. Амин субҳатидан сенга шундай файзли фойдалар етадики, бундай фойданни одамлардан топа олмайдан. Аксинча, аксар одамлар сухбатидан кишига зарар етади. Китобдек дўст ичиди барча илму ҳимал мұжассамдирки, у кишиларни ўтмишдан ва келажақдан огоҳ қилиб туради. Шунинг учун ҳам «Китоб ақл қалъасидир» деганлар.

Ўгит

## Нега шундай деймиз?

### ЖИР ҚЎЙЛАДИКА – ҚИШАН ЁҚА

«Маънолар махзани» китобида ёзилишича, бу мақол «Мис қозонга – лой тувоқ, зарварақка – бўз ямоқ», «Имрят тўнга – зар ямоқ», «Олтин узукка – шиша кўз», «Ўтаси пиноқча – олтин соп», «Эски уйга – янги зардевор», каби мукобиллари билан бир хил маънени англатади. Барчаси ўзига ярашили кийинмайдиган ва пардоҳ-андоз қўимайдиган олифта-сатанларга, номусобишилар, бачканга-ёқимиз қиликлири билан бошқаларнинг гашинга тегадиган, энсасини қотирадиган одамларга нисбатан киноя, мазахи-масхара, истеҳзо тарзидан кўлнанилади.

Сарлавҳадаги нақлийнинг келиб чиқиши тарихи эса куйидаги: илгари аёлларнинг кўйлаги ёккаси эркакларнинг яхтаги ёккасига ўхшаш бўлган. Ўз кўйлақларни ҳозирчи гаплукларга монанд, узунлиги бир метрча, эни тўрт энлик шарғиси мон, гулли бўйин ёқа (ёқи кишиан ёқа) тақилган. Бой хотинлар уларни зар-кумуш билан безаб, учини шокила қилиб юришган.

Бўйин ёқа ҳар кийим алмашилганда, эски кўйлақдан яхнисига ўтказилган. Қиз узатиляётгандан, сарпога ҳам қўшиб жўнатилиган. Уни, айниқса, кампирлар авайлаб сақлашган. Ҳатто, бэззан кўйлаги эски ва ювилмаган бўлса-да, шошганларидан тўй ва зиёфатларга ҳам тақиб бераверишган. Табиийки, уларни кўрганлар кишиан ёқа эски ва кир кўйлақка мутлақо ярашмаганини сезишган ҳамда бояги мақолни айтиб, кўйлак эгасини мазах қилишган.

## Кунлардан бир куни...

### Бир-бираға ўхшаш адиблар



«Шайтанат» асари муаллифи Тоҳир Маликка таниш-билишлари «Сиз тикили адаб Саид Аҳмадга жудаям ўхшайсиз», дейишиарди. Ҳазилкаш ёзувчи эса бу гапни «Йўқ, мен Саид Аҳмадга эмас, Саид Аҳмад ага менга ўхшайди», дега ўзинча таҳтири килиб юрарди. Бу гап күлогига этиб боргач, Саид Аҳмад бир куни Тоҳир Маликни сикувга олади:

– Сен бола, нега бунқа дейсан?

– Рост-да, мен сизга ўхшасам, саксон яқинлашган чол бўпқоламан-ку...

Агар сиз менга ўхшасангиз, энди қирққа кирган мард йигитга айланасиз!

– Э, тилингга шакар, ўғил бола, – дейди Саид Аҳмад хурсанд бўлиб. – Майли, доимо шундай деб юравер, айниқса, хотин-қизлар олдида кўпроқ гапир.

Шодмон ОТАБЕК

## Масал

### Харбий хизматга яроқсиз қуён



Чукча ҳангомалари

### ЁФОННИГ БАЛАНДЛИГИ ВА УЗУНЛИГИ

Икки чукча Москвага келишиди. Бирин йўлдан ўтаетган кишидан сўради:

– Мен аскарликка бормайди, тиббий комиссиядан ўтломадим.

– Нега бундай бўлди? Ахир сен сопа-соғсан-ку.

– Ху, авави тогни кўяплизмари.. У ердаги оқ қайнини-чи?